

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ
БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ
АНИҚЛАШ ВА СЕРТИФИКАТ
БЕРИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2025

Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш ва сертификат бериш тартиби бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025 й. – 16 бет.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	3
Умумий қоидалар.....	4
Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш бўйича тест синовини ташкил этиш тартиби.....	6
Тўлов шартлари.....	10
Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби.....	11
Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг давлат намунасидаги сертификат бериш тартиби.....	12
Илова.....	13

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил
13 октябрдаги "Умумтаълим фанларини билиш
даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини
жорий этиш тўғрисида"ги 646–сон қарори



УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.


Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси

Сертификат бериш учун талабгордан ариза берилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Умумтаълим фанларнинг билиш даражасини аниқлаш бўйича А+, А, В+, В, С+, С, даражали сертификатлар берилади.

ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ ХАЛҚАРО МЕТОДИКА - РАШ МОДЕЛИ АСОСИДА ҲИСОБЛАНАДИ:



70 баллдан юқори олган талабгорга **А+** даража;

65-69,9 балл олган талабгорга **А** даража;

60-64,9 балл олган талабгорга **В+** даража;

55-55,9 балл олган талабгорга **В** даража;


50-54,9 балл олган талабгорга **С+** даража;

46-49,9 балл олган талабгорга **С** даражали сертификат берилади.

Сертификат **3 йил** муддатга берилади.



А+, А, даражали сертификат олган абитуриентларга олий таълим муассасаси бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовларида ушбу фандан белгиланган максимал балл берилади.




В+, В, С+, С, даражали сертификат олган абитуриентларга мос равишда сертификатдаги умумий баллга нисбатан фоиз асосида олий таълим муассасаси бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовларида ушбу фандан белгиланган максимал баллга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) балл берилади.

Миллий сертификатга эга бўлган абитуриентга тегишли мажбурий фанлар бўйича белгиланган **энг юқори балл** берилади.

Умумтаълим фанларини билиш даражаси Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларига мувофиқ шакллантириладиган педагогик ўлчов воситалари асосида тест синовлари ёрдамида баҳоланади.

Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш ва давлат намунасидаги сертификатни бериш учун тузиладиган тест саволлари давлат таълим стандартларига мос равишда ҳамда таълим ўқув дастурига мувофиқ Агентлик томонидан ишлаб чиқилади.



УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТЕСТ СИНОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ



Умумтаълим фанлари бўйича тест топшириқлари формати (фан мазмуни таркиби, саволлар сони, топшириқлар тури, вақт меъёри), баҳолаш мезонлари, тест синовининг ўтказилиши муддатлари, шунингдек, талабгор томонидан тўлдириладиган ариза шакли Агентлик томонидан тасдиқланади ва унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Талабгор сертификат олиш мақсадида тест синовидида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** (кейинги ўринларда **ЯИДХП**) орқали электрон шаклда **ариза бериб рўйхатдан ўтади**.

Талабгор мустақил равишда ВМҚ 646 сон Низомига 1-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани ЯИДХП орқали электрон равишда тўлдиради. Талабгордан сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Талабгор сўровнома расмийлаштирилганидан сўнг ваколатли орган томонидан **ЯИДХП** орқали тест синовидан ўтиш қоидалари тўғрисидаги эслатма берилади.



my.gov.uz

Талабгорнинг сўровномасида унинг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Сўровномада талабгор электрон манзилининг кўрсатилган унинг сўровнома бўйича қабул қилинган қарор, тест синовини натижалари юзасидан апелляция хулосаси ҳақида ахборот тизими орқали хабарнома олишга розилигини аниқлатади.



Талабгордан сўровномадаги ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб этилмайди.



Талабгор ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигига талабгорнинг ўзи шахсан жавобгар ҳисобланади.



Тест синовини ўтказиш санаси у ўтказиладиган кундан камида етти кун олдин ЯИДХП орқали эълон қилинади.



Талабгор тест синовини ўтказиладиган сана ва жой тўғрисидаги маълумотга ЯИДХП орқали эга бўлади.



Фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари Адлия вазирлиги томонидан вақтинча рўйхатга олинади ҳамда улар **ЖШШИР** рақам шакллантирилади.



Бунда 16 ёшга тўлмаган шахслар **ID-карта** ёки **хорижга чиқиш паспорти** орқали рўйхатга олинади.



Агентлик томонидан талабгор тўғрисидаги **шахсга доир маълумотлар махфийлиги** таъминланади. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари** ва **суд** томонидан расмий мурожаат бўлган тақдирда, ариза берувчилар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.



Тест синовини **ўтказиш жойи** ва **санаси** Агентлик томонидан белгиланади.



Талабгорнинг тест синовидида белгиланган ўтириш ўрни Агентлик томонидан **қуръа ташлаш йўли билан аниқланади** ва **далолатнома расмийлаштирилади**.



Тест синовини бланкаларда ёки компьютер (онлайн платформа)да ўтказилиши мумкин. Тест синовини Агентлик томонидан тасдиқланган имтиҳон комиссияси аъзолари ва кузатувчилар иштирокида ўтказилади.

- Имтиҳон комиссияси ёзма ёки тест синовлари белгиланганда шакллантирилади.
- Имтиҳон комиссияси таркиби Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланади, унга Агентлик ходимлари ва тажрибали педагоглар, малакали мутахассислар киритилади.
- Тест синови тегишли дастурий таъминот асосида компьютерда ўтказилганда билимни баҳолашнинг барча бўлимларини қамраб олган ҳолда бир босқичда амалга оширилади.
- Тест синовлари махсус жиҳозланган, видеокузатув билан таъминланган ҳолда Агентлик вакилнинг назорати остида онлайн ўтказилиши мумкин.
- Талабгор шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида видео қайд этиш қурилмалари орқали текширишдан ўтгач тест синовига қўйилади.
- Тест синови ўтказилаётган аудиторияга ҳар қандай қўлланма, адабиётлар, телекоммуникация ва техника воситалари олиб кириш қатъиян ман этилади. Тест синовини ўтказиш жараёнига турли хатти-ҳаракатлар билан салбий таъсир қилиш: бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш, саволлар китоби варақларини йиртиш, саволлар китобини бошқа талабгорга бериши, тест синовига ажратилган вақт тугагандан сўнг ёзишни давом эттириш, бошқа талабгорга бирорта буюм узатиш тақиқланади.
- Юқорида санаб ўтилган талабларга риоя қилмаган талабгор тест синовидан далолатнома билан четлаштирилади. Четлаштириш далолатномаси имтиҳон комиссияси раиси ва Агентликнинг тест синовини кузатиб боровчи маъсул ходим томонидан расмийлаштирилади.
- Четлаштириш далолатномаси натижаларнинг ҳисобланмаслигига асос бўлади.



Тест синовлари натижалари улар якунланган кундан бошлаб **йигирма бир иш** кунидан кечикмай, Агентликнинг **расмий веб-сайтида** ҳамда **ЯИДХП** орқали эълон қилинади.

Тест синовлари натижалари бўйича тестология меъёрларининг бузилиш ҳолати аниқланса, Агентлик томонидан тест синови натижалари бекор қилинади.

тест материаллари **хавфсизлиги** ва **махфийлигини** таъминлаш қоидалари бузилса;

тест синови натижалари таҳлиliga кўра тақсимот нормал тақсимотдан кескин фарқ қилса, ушбу ҳолатда фақат айрим ҳудудларда аниқланган тақдирда, ушбу ҳудудлардаги тест синовлари натижалари бекор қилинади

**Қуйидаги ҳолатларда
тестология
меъёрлари бузган
деб ҳисобланади:**

талабгорлар томонидан тест материалларини олдиндан қўлга киритиш ҳолати аниқланса;

тест синови натижалари юқорила санаб ўтилган ҳолатларга мувофиқ бекор қилинган ҳолатларда, талабгорларнинг хоҳишига кўра амалга оширилган тўлов миқдорида қайтарилади ёки тест синовлари қайтадан ташкил қилинади.



ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ



Тест синовлари натижалари бўйича тестология меъёрларининг бузилиш ҳолати аниқланса, Агентлик томонидан тест синови натижалари бекор қилинади.



“Ижтимоий ҳимоя реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда **ногиронлиги бўлган болаларга** мазкур давлат хизматини кўрсатишда белгиланган тўловнинг **50 фоизи** миқдорида чегирма қўлланилади.



Давлат хизматларини кўрсатиш учун амалга оширилганлиги **Ягона биллинг тизими** орқали тасдиқланади.



Талабгор тўловни **ЯИДХП** орқали шакллантирилган **инвойс рақами** орқали амалга оширилади.



Агар ариза берувчи турли сабабларга кўра тест синовларида иштирок эта олмайдиган бўлса, Агентликка тест синовлари ўтказиладиган кундан камида **уч кун олдин ЯИДХП** орқали электрон шаклда **мурожаат** этиши лозим.



Узрли сабабларга кўра (**касаллиги ёки оила аъзоларининг вафот этганлиги** тасдиқловчи **ҳужжатни** тақдим этганда) тест синовларида қатнаша олмаган талабгор тест синови ўтказилган санадан **беш иш кундан** кечикмай, ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатларни **ЯИДХП** орқали Агентликка электрон шаклда тақдим этиши лозим.



Талабгор тест синовига **кечиккан** ёки **сабабсиз** келмаган ҳолларда, талабгор томонидан амалга оширилган тўлов **қайтарилмайди**.

АПЕЛЛЯЦИЯЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- Апелляцияни кўриб чиқиш учун Агентлик директорининг буйруғи билан **5** ёки **7** нафар Агентлик ходимлари (умумий комиссия аъзолари сонининг **ўттиз фоизидан** ошмаган ҳолда) ва таълим тизими педагогларидан иборат бўлган Апелляция комиссияси тузилади. оромгоҳда қизиқишига кўра тўғарак турини танлаш ва унда бепул таълим олиш;
- Апелляция комиссияси таркибига **Имтиҳон комиссияси аъзолари** киритилмайди.
- Апелляция **икки ҳафта** мобайнида кўриб чиқилади. Талабгор Апелляция комиссияси қарор тўғрисида **ёзма** ёки **электрон** шаклда хабардор қилинади.

Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади.

- Тест синов натижаларини **ўзгаришсиз қолдириш** ва апелляциянинг **қаноатлантиришини рад этиш**;
- Тест синовлари натижаларини **ўзгартириш** ва **апелляцияни қаноатлантириш**;
- Агар талабгор томонидан кўрсатилган **далиллар тасдиқланмаса**, апелляциянинг **қаноатлантиришини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади**;
- Агар талабгор томонидан кўрсатилган **далиллар асосли** деб топилса, апелляция **комиссияси қарори** билан тест натижалари ўзгартирилади;
- Такрорий **апелляцияга йўл** қўйилмайди.
- Талабгор Апелляция комиссиясининг қарор юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда **судга** шикоят қилиши мумкин.

Тест синовидан ўта олмаган талабгор тест синов натижалари эълон қилинган қилинган кундан бошлаб беш иш кун мобайнида ЯИДХП орқали Агентликка апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШНИНГ ДАВЛАТ НАМУНАСИДАГИ СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

Сертификат тест синовидан ижобий натижага эришган талабгорга тест синови натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта мобайнида Агентлик директорининг буйруғи асосида электрон шаклда берилади. Талабгор сертификатни шахсий кабинети орқали юклаб олиши мумкин.

- Сертификатлар **реестри** Агентлик томонидан юритилади. Сертификатлар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:
- Талабгорнинг **фамилияси, исми, отасининг исми;**
Паспорт маълумотлари (серияси ва тартиб рақами, паспортнинг ким томонидан ва қачон берилганлиги) ёки **туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома** маълумотлари (тартиб рақами, гувоҳноманинг ким томонидан ва қачон берилганлиги);
- Агентликнинг сертификат бериш тўғрисидаги буйруғининг **санаси** ва **тартиб рақами;**
- Сертификатнинг ҳисобга олиш **серияси** ва **тартиб рақами;**
- Сертификатнинг берилган **санаси;**
- Сертификатнинг амал қилиш **муддати.**

Амал қилиш **муддати** тугашига **10 кун** қолган сертификат эгаларига **ЯИДХПдаги шахсий кабинети** орқали хабарнома ҳамда Агентликнинг тегишли ахборот тизими орқали талабгор рўйхатдан ўтишда киритган телефон рақамига бепул **“SMS-хабарнома”** юборилади.

Сертификат ҳақиқийлиги тўғрисидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайти орқали текшириш имконияти яратилади.

**Умумтаълим фанларини
билиш даражасини
аниқлаш ва сертификат
бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА**

**УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ
ВА СЕРТИФИКАТ БЕРИШ БЎЙИЧА ХИХМАТЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ УУЧУН
СЎРОВНОМА**

<u>Санаси</u>	<u>рақами</u>
1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт (туғилганлик тўғрисида, гувоҳнома, идентификацияловчи ID-кارتаси) маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, агар мавжуд бўлса):	
3. Доимий яшаш манзили (вилоят, шаҳар/туман, кўча, уй):	
4. Телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили (e-mail):	
6. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чегирма қўлланилиш ҳуқуқига эгалиги ("Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар):	Ҳа/Йўқ
7. Имтиҳонни топшириш ҳудуди:	
8. Имтиҳонни топшириш фани:	
9. Имтиҳонни топшириш тили:	

**Умумтаълим фанларини
билиш даражасини
аниқлаш ва сертификат
бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА**

**Тўловни қайтариш бўйича
СЎРОВНОМА**

<u>Санаси</u>	<u>рақам</u>
1. Ф.И.О.	
2. Паспорт (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, илентифкацияловчи ID-кارتаси) маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахсининг шахсий индентификация рақами, агар мавжуд бўлса):	
3. Доимий яшаш манзили (вилоят, шаҳар/туман, кўча, уй):	
4. Телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили (e-mail):	
6. Имтиҳон санаси:	
7. Имтиҳонни топшириш фани:	
8. Узрли сабабга кўра (касаллиги ёки оила аъзоларининг вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда) тест синовларида қатнаша олмаган талабгорнинг ушбу ҳолатни асословчи ҳужжатлари:	

**Умумтаълим фанларини
билиш даражасини
аниқлаш ва сертификат
бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА**

**Имтиҳон натижалари юзасидан апелляция шикоятини бериш
учун
СЎРОВНОМА**

<u>Санаси</u>	<u>рақам</u>
1. Ф.И.О.	
2. Паспорт (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, илентифкацияловчи ID-кارتаси) маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахсининг шахсий индентификация рақами, агар мавжуд бўлса):	
3. Доимий яшаш манзили (вилоят, шаҳар/туман, кўча, уй):	
4. Телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили (e-mail):	
6. Имтиҳон санаси:	
7. Имтиҳонни топшириш фани:	
8. Шикоятнинг қисқача мазмуни:	